

МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ № 33-СОНЛИ ШАРТНОМА

Мархамат тумани

« 11 » ноябр 2022 й.

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Мархамат тумани Мактабгача таълим бўлими Номидан Низом асосида фаолият олиб боровчи С.Шамшиева бир томондан ва бундан буён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи “Нематжон ота файз 2020” деҳқон хўжалиги номидан Низом асосида фаолият олиб боровчи Н.Аброров бошқа томондан ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартномага асосан Буюртмачи махсулотни қабул қилади ва тўлайди. Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг Номи	Лот №	Ўлчов бирлиги	миқдори	нархи	Умумий суммаси
1	Гуруч (захира)		кг	5030	10399	52306970
	Жами					52306970

1.2 Шартноманинг умумий суммаси 52306970 (Эзлик икки миллион уч юз олти минг тўққиз юз етмиш) сўм.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1 “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 30 календар куни ичида конунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни махсулотни олгандан сўнг 10 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва б. асосида тўлайди.

2.2 “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 календар куни ичида махсулотни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3 “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТга мувофиқ махсулотни етказиб бериши шарт.

2.4 “Буюртмачи” махсулотларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган махсулотларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманномада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5 Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, махсулотларни ташиш ва тушириш буйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6 Буюртмачининг розилигига кўра махсулот муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7 Етказиб берилган махсулот бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган махсулотларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

Мазкур шартномада кўзда тутилган махсулотларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Буюртмачининг ҳуқуқлари:

3.1.1 Етказиб берувчидан Шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш: Буюртмачи ҳисобидан махсулотлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларидан бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

3.1.2 Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманномага кўра мазкур шартномага мувофиқ тегишли сифат ассортимент бўйича махсулотларни етказиб беришни талаб қилиш.

3.1.3 Сифатсиз махсулот етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш тегишли сифатдаги шунга ўхшаш махсулот билан алмаштириб бериш; камчиликларни бегараз бартараф этиш;

3.1.4 Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.2.1 Мазкур шартномага мувофиқўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган махсулотларни қабул қилиш;

3.2.2 Махсулотларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3 Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.3.1 “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган махсулотлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

3.3.2 Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган махсулотларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4 Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

3.4.1 Буюртмачига махсулотларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш агар махсулотларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меёрларидан ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўлқўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 10 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларини беғараз бартараф этиш.

3.4.2 Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1 Буюртмачи:

4.1.1 Савдоларни ўтказиш учун Такдим этилган ҳужжатларини ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги жавобгардир:

4.1.2 Томонлар ўртасидаги шартнома Мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.1.3 Махсулотларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) махсулотлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган махсулотлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

4.1.4 Махсулотлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини такдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.1.5 Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида махсулотлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини такдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни такдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.1.6 Етказиб берилган махсулотлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.2 Етказиб берувчи:

4.2.1 Савдоларда қатнашиш учун такдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги,

4.2.2 Миқдор, сифат, техник хусусиятлар, шунингдек таклиф этилаётган махсулотларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

4.2.3 Савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

4.2.4 Тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.2.5 Агар етказиб берилган махсулотлар сифати, ассортиментини ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳужалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) махсулотларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган махсулотлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар махсулотлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган махсулотлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцелтсиз тартибда ундириб олинади.

4.2.6 Махсулотларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган. тўлик етказиб берилмаган. махсулот етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ-бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни махсулотларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2.7 Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган махсулотларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни еҳуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган махсулотларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай махсулотлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Махсулотлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, еҳуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан махсулотларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустикал равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2 Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни хал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3 Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1 Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлик озод бўладилар.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар қиради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4 Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Ушбу шартномала томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йил “31” декабригача амал қилади

8.2 Шартноманин그 амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3 Шартноманин그 амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

“БУЮРТМАЧИ”

Номи: "Неъматжон ота файз 2020" д/х
Тел: _____

Манзили: Мархамат тумани
Хисоб рақами: 20208000905305561001

Банк номи: Миллий банк Мархамат филиали
МФО: 00955, СТИР: 307908184
ХХТУТ: 21210



Рахбар: _____ Н.Аброров
М.Ў. Ф.И.

Номи: Мархамат туман МТБ
Манзили: Мархамат тумани Шомат МФЙ
Тел : _____
ШХВ: 100022860032277091100251020
ШХВ*:

СТИР: 305155325, ХХТУТ: 85100
Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги
Ғазначилиги Ягона ғазна хисоб варағи
Ғазна х/р : 2340 2000 3001 0000 1010

МБ ББХКМ, Тошкент шаҳар
МФО: 00014, СТИР: 201122919



Рахбар: _____ С.Шамшиева
М.Ў. Ф.И.

**173601 лот юзасидан шакланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

11.11.2022 10:05

Комиссия раиси:

SHAMSHIYEVA SAYYORAXON ANJANBOYEVNA



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

JM4502318004

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Mahsulot etkazib berish shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Marhamat tumani maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 10.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Marhamat tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



B.Q.YO‘LDASHEV

10.11.2022